ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 6 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1377-1383

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ДАВРИДА ПАХТАЧИЛИК СОҲАСИДА МОДДИЙ МАБЛАҒ САРФЛАШ ИМКОНИЯТЛАР ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ

Диларам Тажиевна Ёқубова
Денов тадбиркорлик ва педагогика институти ўқитувчиси

АНОТТАЦИЯ

Ўзбекистонда совет ҳокимиятини пахта яккаҳокимлигини амалга ошириган бир томонлама сиёсати, қишлоқ-хўжалигида бошқа экин турларини камайтиришнинг сабаблари ва натижалари, пахтачиликни ривожлантиришда аграртехникани янги турларни синовдан ўтказиш натижалари мақолада ўз илмий аксини топган.

Калит сўзлар; совет, пахта, меҳнат, колхоз,пул-материал, материал резервлар, совхоз, агротехника,ирригация-мелиорация, маданият. цианамид-кальций, горизонтал шпииделли.

КИРИШ

Ўзбекистонда совет аграр сиёсатининг асосий мақсади пахта экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш учун полиз-савзаватчилик, чорвачилик, ипакчилик ва бошқа тармоқларнинг камайтириш билан боғлиқ масала асосий сиёсатга айлантирилган эди. Бунинг учун бир томондан-пахта ҳосилининг центенр ҳисобига ошиб бориши ва иккинчи томондан колхозчиларга бериладиган - меҳнат ҳамда пул-материал сарфининг иложи борича камайтирилиши, аниқроғи бир центнер маҳсулот етиштириш учун сарфланадиган ишлаб чиқариш чиқимларини камайтиришга ҳаракат қилинди. Бунинг натижасида, колхоз даромадининг меҳнат кунларига тақсимланадиган қисми янада кўпаяди, колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, турмуш тарзини яхшилаш мақсадида совет давлати муҳим тадбирларни кун тартибига қўйди. Аслида эса бу сиёсат фақат қоғозда амалга оширилиб, деҳқончиликдаги ишларни механизациялаш даражаси ва агротехниканинг янги усуллари жорий этилиши республикадаги колхозларига бир центнер пахта етиштириш учун сарф қилинадиган меҳнат ва пул-материал чиқимларини камайтириш ҳисобига бажарилди. Амалда эса 1955 йилгача колхозларда ҳар гектарни парвариш қилиш ва пахта центнерини етиштиришга сарф бўлган меҳнат учун қанча пул ва материал сарф бўлганлиги аниқ ҳисоб китоб қилинмади,.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1377-1383

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Сурхондарё вилоятидаги колхозларнинг ишлаб чиқариш харажатлари таҳлил қилиниши натижасида маълум бўлишича, кўпчилик колхозларда пахта ҳосилини ошириш ва ишлаб чиқариш чиқимларини камайтириш имкониятларидан тўла фойдаланмаган, шунингдек, техникадан тўғри фойдаланиш, меҳнат, пул ва материалларни тежаш масаласига яхши эътибор берилмаган эди.

Сурхондарё область Шеробод районидаги Ленин, Киров ва Сталин номликолхозларда пахта етиштириш учун қанча пул ва материал сарфланганлиги пухталик билан текширилганида, учала колхозда ҳам пул-материал сарфини ҳали анча камайтириш ва шу йўл билан пахта маҳсулотининг таннархини кўпгина пасайтириш имкони борлиги аниқланди. Бу колхозларда пахта экинларининг ҳар гектарини парвариш қилиш ва 1 центнер пахта етиштириш учун 1955 йидда қуйидаги миқдорда (сўм хисобида) пул ва материал сарфланган, пахтачиликка бевосита алоқадор харажатлар Ленин колхозида ҳар гектарга 2238 сўм ва ҳар центнерга 76,8 сўмни, Киров номли колхозда — 2284 ва 90,7 сўмни, Сталин колхозида — 1525 ва 84,6 сўмни ташкил этган. Пахтачиликка бевосита алоқаси бўлмаган харажатлар Ленин колхозида ҳар гектарга 442 ва ҳар центнерга 15,2 сўмни, Киров номли колхозда, — 347 ва 13,8 сўмни, Сталин колхозида — 284,1 ва 15,7 сўмни ташкил этган.

Киров номли колхозда Ленин колхозидагига қараганда камроқ ҳосил олинганидан, бир центнер пахта етиштириш учун пуд ва материал кўпроқ, (104,5 сўм) сарфланган. Энг кам (гектарига 18 центнер) ҳосил етиштирган «Коммунизм» колхозида ҳар гектарнинг сарфи иккала колхоздагига, қараганда камроқ (1809,1 сўм) бўлса ҳам, бир центнер пахта етиштириш учун бу колхозда пул ва материал кўпроқ (100,3 сўм) сарф бўлган, Ленин номли ва Киров колхозлари да пул ва материал резервларини тежаб-тергаб сарфлашга парвосизлик билан қаралганлигини кўрсатади. Ана шу парвосизлик оқибатида пул ва материаллар керагидан ортиқча сарфланади ва етиштирилган маҳсулотнинг таннархи ортишига сабаб бўлади. Бу учала колхозда МТСга натура ҳақи тўлаш, минерал ўғитлар сотиб олиш ва пахта теримига четдан тортилган кишиларга меҳнат ҳади тўлаш учун айниқса кўп пул сарфланган. Шунингдек, Сурхондарё областидаги колхоз ва совхозларида алмашлаб

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1377-1383

экишни жорий этиш ва ўзлаштириш тўғрисидаги қонун асосида 1959 йилдан бошлаб Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ, республикадаги ер ва сувлар давлат мулкидир. Колхозлар ва совхозларга фойдаланиш учун берилган ер ва сувдан социалистик хўжалик системасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, жамоат бойликларини кўпайтириш, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ва маданий савиясини тўхтовсиз ошира бориш мақсадларида фойдаланилди.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Сурхондарё вилояти колхозлар ва совхозлар ўз хўжаликларини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқларини ривожлантиришни, маҳсулот бирлигига энг кам меҳнат ва маблағ сарфлаган ҳолда, қишлоқ хўжалигидаги ерларнинг ҳар 100 гектаридан энг кўп миқдорда маҳсулот олишни кўзда тутадиган келгуси ва йиллик режалар асосида олиб борди.

Қишлоқ хўжалиги ишларини олиб боришнинг илмий жиҳатдан асосланган тизимининг муҳим қисми бўлган алмашлаб экиш — колхозлар ва совхозларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига асос қилиб олинди.

Колхозлар ва совхозлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий воситаси бўлган ердан мақсадга мувофиқ равишда ва тежаб-тергаб фойдаланилди. Шу мақсадда колхозлар ва совхозлар қуйидаги ишлар бажарилди:

— қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ёрнинг ҳосилдорлигини тизимли равишда ошириб борилиши натижасида ва янги ерлар ўзлаштирилди;

— агротехника ва ирригация-мелиорация тадбирлари комплексини қўлланиш ва илғорлар тажрибаси ҳамда фан ютуқларини ишлаб чиқаришда жорий қилиниш натижасида пахта, беда, маккажўхори ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосили оширилиб, боғлар, ток- зорлар, пичанзорлар ва ўтлоқларнинг маҳсулдорлиги оширилди;

— мелиорация, тупроқни сақлаш, далаларни тўсиш ва сувни қўриқлаш мақсадида ўтқазилган дарахтларни ҳимоя қилишни, парвариш қилишни таъминлаш, дарахт лар ўтқазиладиган майдонларни кенгайтириш ва аҳоли яшайдиган пунктларни кўкаламзорлаштирилди;

— бегона ўтларга, қишлоқ хўжалиги экинлари зарар-кунандаларига ва касалликларига қарши кураш юзасидан зарур тадбирлар қатъият билан бажарилди.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети барча колхоз

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1377-1383

ва совхозларда алмашлаб экишни жорий қилиш — қишлоқ хўжалигини ва айниқса пахтачиликни янада ривожлантириш, деҳқончилик маданиятини ошириш соҳасидаги энг муҳим тадбирлар амалда бажарилди.

Ленин шунга қарамай, кейинги йилларда республика, маҳаллий совет ва қишлоқ хўжалик органлари, кўпгина колхоз ва совхозлар ҳеч қандай асос бўлмаган ҳолда алмашлаб экишни ўзлаштириш масаласи билан шуғулланмай келдилар. Пахтачиликни ривожлантиришда асосий эътибор пахта майдонларини кенгайтиришга қаратилди, социалистик деҳқончиликнинг асосий вазифаси бўлган пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини оширишга эса етарли эътибор берилмади. Бу ҳол чорвачиликнинг ривожлантирилишига ҳам халақит берди.

Республика колхоз ва совхозлари 1959 йили пахта теримини машиналаштириш натижасида механизаторлари машина билан 330 минг тонна пахтани териб олдилар. 1959 йили республика колхоз ва совхозларида 6800 та терим машинаси ишлади. Ўрта ҳисобда ҳар бир машина 48,5 тоннадан пахта терди. Машина теримини муваффақиятли ўтказишда ғўза баргини ўз вақтида, сифатли қилиб тўктириш катта аҳамиятга эта. 1955-1959 йиллардаги тажрибаларнинг кўрсатишича кундалик температура 17 градус ва ундан юқори бўлган ҳолда ғўзани цианамид-кальций билан дорилаш энг яхши натижа берди. Асосий майдонларда барг тўктириш учун кремнефтористий натрий билан кальций-цианамид қўлланилиб. шудринг тушмайдиган, ёки дорилаш кечки муддатларда ўтказиладиган районларда магний хлорат ишлатилди.

Сурхон воҳасида ҳам дастлабки пахтани машиналар билан теришга оид маъалумотларни ўрганиш даврида 1959 йилда машина теримини бошлашдан олдин теримга ажратилган жами майдонлар аниқланиб, уқ ариқлар текисланиб, кўприк ва йўллар таъмирланиб, терим олдидан бегона ўтларни ўтоқ қилиниб, теримга 3-5 кун қолганда пахта далалари четлари 5-6 метр кенгликда терим машиналари учун бурилиш жойлари тайёрланиш ташкил этилган. Манбаларга эътибор берилса, 1959-1960 йилларда Сурхондарё областида ҳам машина билан пахта теришга кўсакларнинг энг ками 60 фоизи очилганда пахта горизонтал шпииделли машина билан териладиган бўлиб. теримга кўсакларнинг 65-70 фоизи очилганда ишга туширилган. Совет дарига оид 1960 йиллар ўрганилган даврида пахтачиликдаги тажрибани кўрсатишича, пахтаси кам очилган далаларнинг ҳосили машина билан терилса кўсаклар кўпроқ тўкилган ва пахта кам терилади. Одатда кўпчилик далаларда машина билан икки терим ўтказилиб, унда, ялпи ҳосилнинг 85 фоизи терилиши мумкин

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1377-1383

бўлган, натижада пахта толасининг кўпи сифатсиз ҳолатга айланган. Илғор механик-ҳайдовчиларнинг тунда пахта териш тажрибаларини кенг жорий этиш иш унумини кўтаришда катта имкониятлар бўлган, унинг учун терим машиналарини қўшимча ёритиш чироқлари билан жиҳозлаш ва ҳар қайси терим машинасини 2 сменада ишлатиш учун механик-ҳайдовчилар билан таъминлаш керак.

Машинанинг иш унуми ва сифатини оширишда, унинг далага кириб бориш харитасини тўғри белгилаш катта аҳамиятга эга бўлган. Мавзуига оид манбаларни илмий таҳлил этиш жараёнида янги техник қисимлар ҳам пахта териш жараёнида синовдан ўтказилганлиги аниқланди. Тарихий маълумотларда қайд этилган ТИИИМСХнинг илмий ходими Ҳайдаровнинг кузатишлари натижасида СХМ-48, ХВС-1,2 ва СХС-1,2 маркали машиналар учун энг юқори унум берадиган хариталар аниқланди. Машина теримига ажратилган участка кўндалангига қаратиб ҳудудларга бўлиниб, машинанинг бурилищи учун энг ҳам вақт талаб этадиган загоннинг минимал кенглиги қуйидагича белгиланганлиги ҳужжатларда ўз ифодасини топди: СХМ-48М машинаси учун-32 қатор ХВС-1,2, 52, СХС-1,2, 20 СХМ-48, СХМ-48М ва ХВС-1,2 машиналари ишга загоннинг ўнг томонидан тушиб комбинациялаштирилган усулда пахта терди. Бунда ХВС-1,2 машинаси пайкалга кириш вақтида, машинанинг олдинги ғилдираги ёки етахчи ғилдиракларидан бири албатта туташ қатор орасидан юриши керакдли аниқланган. Маълумки, ХВС-1,2 машинасининг бункери терилган пахта: тўғридан-тўғри транспортга бўшатилиб, унга кўра пахта: пайдар-пай териш ва ҳосил қоп-қанорсиз ташиш усули биринчи навбатда ХВС-1,2 машин си ишлаётган жойда жорий этилган. 1961 йилда Ўзбекистон пахтакорлари 3 миллион 200 минг тонна пахта, 600 минг тонна сабзавот, 360 минг тонна картошка, 600 минг тонна полиз маҳсулоти, 312 минг тонна мева ва узум; чорвачилик маҳсулотларидан: 155 минг тонна гўшт, 315 минг тонна сут, 84 миллион дона тухум, 22 минг тонна жун, 100 минглаб дона қоракўл тери етиштириб берди. Етти йилликнинг учинчи йилида бир миллион 50 минг гектар ерга чигит квадрат-уялаб экадиган сеялклар билан экилиб, шу жумладан 250 минг гектар ерга муайян миқдор чигит экилди. Бир миллион 200 минг гектар ғўза, асосан, кетмонсиз икки томонлама парвариш қилиниб. 190 минг гектар ерга маккажўхори, оқ жўхори квадрат-уялаб экилиб. камида 600 минг тонна пахта машинада терилди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1377-1383

ХУЛОСА

Хулоса қилиб таъкидлаш мумкинки совет ҳокимияти ўзининг минтақада амлага оширган пахта яккаҳокимлиги сиёсатидан мақсади Марказни пахта хом-ашёсига бўлган талабларини қондириш ҳамда қишлоқ-хўжалигини механизациялашда мақсад пахта ҳосилдорлигини ошириш туфайли аграр тармоқдаги бошқа соҳа тармоқларини издан чиқариш асосий йўналиш қилиб олинган эди.

Совет ҳокмиятининг пахта яккаҳокимлиги сиёсатини ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва қишлоқ-хўжалигида янги техника воситаларни яратилиши ва унинг натижалари илмий таҳлил этилган.

REFERENCES

1. Шукурова, С. С., Пулатова, М. Д., & Серебряков, В. В. (2021). Изменения показателей макроэлементов в крови у футболистов после физической нагрузки. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
2. Хайдаров, М., Алламуратов, М., & Хайруллаева, Н. (2021). Сравнительная оценка физического состояния подростков 11-16 лет с нарушением интеллекта. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
3. Шукурова, С. С., Сейдалиева, Л. Д., & Шарипова, С. Н. (2021). Анализ гемодинамики игроков во время тренировочного процесса. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
4. Farkhodovich, I. B. (2020). Development of balance in young kayakers in the initial stage of training. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, *8*(2), 66-70.
5. Жумаев, А. Т. (2020). Янги даврда спортнинг ижтимоийлаштирувчи мавкеи. *Мугаллим уэм узликсиз билимлендириу,(1)*, 159-164.
6. Ишонкулов, М. У., & Жумаев, А. Т. (2020). Таълим жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш. *Педагогика ва психологияда инноваъщялар,(2)*, *584588*.
7. Solizhonovich, M. R., Turdievich, Z. A., Bahromovich, J. A., & Erkinovna, K. M. (2020). Features and application of the cluster method of its organizations in lessons in secondary school and higher pedagogical institutions. *International Journal on Integrated Education*, *3*(3), 90-94.
8. Қораев, С. Б. (2021). Профессионал таълимда касбий амалий машғулотлар мазмуни ва уни такомиллаштириш йўллари. *Academic research in educational sciences*, *2*(4), 1573-1581.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1377-1383

9. Qorayev, S. B., & Janbayeva, M. S. (2021). Boshlang'ich sinf o'qish darslarida sinfdan tashqari ishlarni tashkil etish. *Academic research in educational sciences*, *2*(4).
10. Adbujalilova, S. A., & Koraev, S. B. (2020). Талабалар илмий дунёқарашини шакллантиришда педагогик технологияларнинг ўрни. *Academic research in educational sciences*, (4).
11. Мафтуна, Қ., & Самариддин, Қ. (2020). Бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ўқув-билиш компетенцияларини шакллантириш. *Academic research in educational sciences*, (4).
12. Raxmanova, M. Q. (2020). Yoshlarda ijtimoiy-ma'naviy faollikni oshirishga bo'lgan ehtiyojlarni shakllantirish. *Science and Education*, *1*(Special Issue 4).
13. Rakhmanova, M. K. (2017). Socialization and Categorization of Education content. *Eastern European Scientific Journal*, (5).
14. Ёқубова, Д. Т. (2021). Сурхондарё вилоятида ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникасининг ривожланишда мс истоминнинг фаолияти. *Academic research in educational sciences*, *2*(4), 1802-1810.
15. Солиев, И. Р., Давидова, К. Р., Мийликулова, Ш. С. Қ., & Азамова, Г. Э. (2021). Енгил атлетика спорт турида машғулот ва мусобақа жараёнини бошқариш тизимининг таҳлили. *Academic research in educational sciences*, *2*(Special Issue 1).
16. Azimov, Z. N. (2020). Research Of Training Loads On The Simulator" Concept-2. *The Preparation Of Youth In Academic Rowing. The American Journal of Applied sciences*, *2*(11), 104-109.
17. Miryunusovna, Z. G. (2020). Selecting criterias of talented preschool children for the forming of sports reserve in swimming. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, *8*(2).
18. Matnazarov, X. Y. (2020). Influencing factors for selecting effectiveness of talented swimmers on swimming sports. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, *8*(3), 41-44.